

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕФРОЛОГИЯ ВА БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ИММУНОГЛОБУЛИН А- ГЛОМЕРУЛОПАТИЯНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ

Тошкент – 2025

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
РИНваБТИАТМ директори
тиббиёт фанлари доктори,
проф. Б.Т. Дамиров



2025 йил

ИММУНОГЛОБУЛИН А- ГЛОМЕРУЛОПАТИЯНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ

Тошкент – 2025

**IgA ГЛОМЕРУЛОПАТИЯ НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

МУНДАРИЖА:

1 IgA гломерулопатия нозологияси бўйича ташхислаш ва даволашнинг миллий клиник протоколи	5 - 37
2 IgA гломерулопатияда миллий клиник протокол бўйича тиббий аралашувлар.....	38 - 41
3 IgA гломерулопатияда миллий клиник протокол бўйича тиббий профилактика ёки реабилитация.....	42 - 48

1. Кириш

1.1. Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ -10 код(лари):

ХКТ-10 Кодлар	Клиник намоён бўлиши (доминантасини белгилаш)
N06	Яккаланган протеинурия
N02	Қайталанувчи ва турғун гематурия
N00	Ўткир нефритик синдром
N01	Тез авж олувчи нефритик синдром
N03	Сурункали нефритик синдром
N04	Нефротик синдром
	Юклуб олиш (https://mkb-10.com/index.php?pid=13002)

1.2 Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси: Ишлаб чиқиш санаси 2025 йил, 2027 йил қайта кўриб чиқиш санаси ёқи янги асосий далиллар ишлаб чиқиши билан. Тақдим этилган тавсиялар бўйича барча тузатишлар тегишли хужжатларда эълон қилинади.

1.3. Клиник баённома ва стандартни ишлаб чиқишда маъсул муассаса: Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий – амалий тиббиёт маркази (РИН ва БТИАТМ).

1.4. Клиник баённомани ишлаб чиқишда ўз хиссасини қўшган нефрологиянинг ишчи гуруҳи:

1.	Закиров Джурат Фатихович	т.ф.н. олий тоифали шифокор.	РИН ва БТИАТМ 2 гемодиализ бўлимнинг бўлим бошлиғи
2.	Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич	т.ф.д., доцент	РИН ва БТИАТМ илмий бўлим бошлиғи
3.	Эгамбердиева Дано Абдисаматовна	т.ф.д., профессор	ТошПТИ
4.	Мирзаева Барно Миркамолловна	т.ф.н., доцент	ТошПТИ
5.	Даминова Камола Маратовна	т.ф.д., доцент	ТДСИ
6.	Мунавваров Бурхон Абдужалилович	т.ф.н., доцент	ТДСИ

1.5. Асосий муаллифлар рўйхати:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозим/унвони
1.	Сабилов Максуд Атабаевич	РИНваБТИАТМ	Илмий ишлар бўйича директор ўрибосари. т.ф.д., профессор
2.	Шарапов Олимхон Надирханович	РИНваБТИАТМ	«Катталар ва болалар нефрологияси» бўлимнинг илмий ишлар бўйича бўлим бошлиғи
3.	Султанов Нодир Назиревич	РИНваБТИАТМ	Илмий бўлим бошлиғи, т.ф.н.

1.6 Тақризчилар:

№	Ф.И.О.	Место работы	Звание/должность
1.	Атаходжаева Гулчехра Абдунабиевна	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	Ички касалликлар, нефрология ва гемодиализ кафедраси доценти, т.ф.д.
2.	Гайпов Абдужаппар Эркинович	Nazarbayev University	Nazarbayev University нинг тиббий мактаб доценти, т.ф.н.

1.7. Техник кўриб чиқиш ва тахрирлаш гуруҳи:

1. **Халиков Алишер Юсупович** – Академик Я.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.
2. **Тургунова Дилором Пулатовна** – Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларнинг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

1.8. **Мухокама баённомасидан кўчирма санаси ва рақами:** РИН ва БТИАТМ илмий кенгашининг 202__ йил _____ №__ сонли баённомасидан кўчирма.

б) Протоколда ишлатилган қисқартмалар;

АРБ	Ангиотензин-II рецепторлари блокаторлари (АТК тасниф: «Ангиотензин II рецепторлари блокаторлари»)
ИИ	Ишончли интервал
БЎТ	Буйрак ўринбосувчи терапияси:
ААФи	Ангиотензин алмаштирувчи фермент ингибиторлари (АТК тасниф: «ААФ ингибиторлари»)
ИК	Иммун комплеклар
ИСТ	Иммуносупресси терапия
МА	Мета-анализ
ХКТ	Халқаро касалликлар таснифи
ЎБШ	Ўткир буйрак шикастланиши
РАТ	Ренин-ангиотензин тизими
ИГ	Ишчи гуруҳ
РКТ	Рандомизирланган клиник текширув
КФТ	Коптокча филтрация тезлиги
хис.КФТ	Хисобий коптокчалар филтрация тезлиги
ТБЕ	Терминал буйрак етишмовчилиги
СБК	Сурункали буйрак касаллиги
Gd- IgA	Иммуноглобулин A1 галактоза етишмовчилиги
IgA	иммуноглобулин A
IgA1	иммуноглобулин A1
IgAN	иммуноглобулин A-нефропатия
IgG	иммуноглобулин G
IgM	иммуноглобулин M
АҚД	Анатома-кимёвий-даво

7) Ушбу ташхис/нозология бўйича протоколни қўлловчилар;

1. Умумий амалиёт шифокори (оилавий шифокор).
2. Нефрологлар.
3. Терапевтлар.
4. Урологлар.
5. Гематологлар.
6. Ревматологлар.
7. Юқумли касалликлар шифокори.

8) Қуйидаги нозология/ташхис бўйича:

- 18 ёшдан катталар.

9) Далилларга асосланган тиббиёт даражаси шкаласи:

Даволаниш учун далилларнинг аниқлик даражаси, реабилитация ва профилактика чоралари

Ишончлилик даражаси	Маълумотлар тури
1	Мета анализ қўллаш билан РКТ ни тизимли қўриб чиқиш.
2	Мета анализдан фойдаланган ҳолда индивидуал РКТ лар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни (РКТ дан ташқари) тизимли қўриб чиқиш
3	Рандомизирланмаган қиёсий текширувлар, шу жумладан когорт текширувлар
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, мисоллар хисоботлари ёки “ҳолатлар серияси”, вазиятни назорат қилиш бўйича тадқиқотлар
5	Аралашувнинг таъсир механизми (клиник тадқиқотларгача) ёки эксперт хулосаси учун асос мавжуд

Далилларга асосланган тиббиётда ишончлилик даражаси шкаласи.

Далилларга асосланганлик тоифаси	Далиллар манбаи	Таъриф
A	Рандомизирланган назорат остидаги синовлар	Далиллар ишончли натижаларга эришиш учун етарли миқдордаги беморларда ўтказилган яхши рандомизирланган синовларга асосланган. Кенг қўлланишга тавсия этиш мумкин.
B	Рандомизирланган назорат остидаги синовлар	Далиллар рандомизацияланган назорат остидаги синовларга асосланган, аммо киритилган беморлар сони ишончли статистик таҳлил учун етарли эмас. Тавсиядар чекланган аҳоли учун қўлланилиши мумкин.
C	Рандомизирланмаган назорат остидаги синовлар	Тасодифий бўлмаган клиник тадқиқотларга ёки чекланган миқдордаги беморларда ўтказилган тадқиқотларга асосланган далиллар
D	Экспертлар фикри	Далиллар маълум бир масала бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган консенсусга асосланган

2. АСОСИЙ ҚИСМ.

Кириш

2.1. Атама ва таъриф:

Иммуноглобулин А-нефропатия (IgAN) — Сурункали гломеруляр касаллик бўлиб, буйрак коптокчаларини яллиғланиш хисобига секретор иммуноглобулин А (IgA) иммун комплексларини депозицияси ва қайтариб бўлмас аъзонинг фибробластик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган шикастланишидир [1,2].

2.2. Касалликни этиологияси ва патогенези ёки ҳолатлар (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи)

IgAN бутун дунёда энг кенг тарқалган иммун гломерулопатияларга кириб [3], патогенетик шиллик қаватларни иммун жавоб хисобига буйрак шикастланиши билан боғлиқ. Касалликнинг ривожланишидаги асосий калит бу секретор иммуноглобулин A1(IgA1) нинг шарнир минтақасида кичик молекуляр ўзгариш бўлиб, О-гликан тузилишида галактозилланишнинг бузилиши сифатида намоён бўлиши [4,5] ва молекула конформациясини ўзгариши ҳамда аутоантиген хусусиятларини пайдо бўлиши билан кечади [6]. Галактоза этишмовчилиги бўлган IgA1 (Gd-IgA1) нинг юқори ишлаб чиқарилиши учун зарур шарт – бу шиллик қаватларининг иммун реакцияларини фаоллаштириш ва секреция жараёнларини бузишидир [7,8]. Қон айланишида Gd-IgA1 рулининг кўпайиши иммун комплексларнинг (ИК) шаклланишига олиб келади, уларнинг асосини аутоантитаналар синфига мансуб IgG, IgA (иммуноглобулин G, Ага хос) ёки Gd-IgA1 га хос IgM (иммуноглобулин M), CD89 (FcγRI) ва комплементлар ташкил этади [9,10]. Катта молекуляр радиусли Gd-IgA1 ИК лар гепатоцитларда клиренсга учрамайди [11]. Қон айланишида Gd-IgA1 тўпланиши натижасида мезангиумда TdA таркибли ИК ларнинг чўкиши ва уларнинг CD71 (трансферрин рецепторлари) билан ўзаро таъсири содир бўлади, бунда мезангиоцитлар пролиферацияси ва комплемент тизимини фаоллашиши кузатилиб, популяцияда иммун хужайра ва бошқа резидент хужайраларни фаоллаштириб, аъзони шикастланиши ва касалликни типик морфологик кўринишини шакллантиради [12, 13]. IgAN нинг тарқалиши, клиник ва морфологик кўринишлари ва прогнози сезиларли географик ва ирқий фарқларга эга [14-18]. IgAN ҳолатларининг узок муддатли клиник кузатувлари мувофиқ Россия аҳолисида касалликнинг тарқалиши, клиник ва морфологик кўринишлари, шунингдек прогнознинг муҳим хусусиятларига эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилиш имконини беради [19].

Кўпинча IgAN симптомсиз кечиб, аста-секин ривожланади ва ҳар қандай гуруҳнинг 25-30% да касалликнинг бошланишидан 20-25 йил ичида буйрак этишмовчилиги ривожланади. Кўп гломеруляр касалликлардан фарқи шуки, IgAN ни даволашда касалликни ривожланишини тўхтатиш мақсадида даволашда иммуносупрессив терапия ва қўлловчи терапияга аҳамият

қаратилган. У ўз таркибига АКБ ни назорат қилиш, РАТ ни бостириш, ҳаёт тарзини модификациялаш, тана вазнини камайтириш, жисмоний ҳаракатларни, ичиш ва чекишдан воз кечишни ва овқат билан натрийни истеъмолини чегаралаш лозим. IgAN ягона гистологик меъзон билан характерланишига қарамасдан – буйрак биопсиясида доминант ёки кодоминант IgA чўкмаларининг мавжудлиги, ҳозирги кунда ушбу “касаллик” ва морфологик белгиларнинг сезиларли гетерогенлиги билан тавсифланади. IgAN эпидемиологияси, клиник кўриниши, касалликнинг ривожланиши ва узок муддатли натижалари бутун дунё бўйлаб этник гуруҳларда фарқ қилиши ҳақида ишончли далиллар мавжуд. IgAN кенг тарқалган касаллик бўлиб, буйрак етишмовчилигини осий ва европоид миллатига мансуб шахсларда учраб, буйрак етишмовчилигини келтириб чиқаради. Африка миллатига мансуб одамларда кам учрайди. Бу хусусиятлар патогенезидаги фарқлар ва ёки турли генетик омилларнинг таъсири ва атроф – муҳит билан боғлиқлиги аниқ эмас.

2.3 Касаллик ва ҳолатлар эпидемиологияси (касаллик ёки ҳолатлар гуруҳи)

Расмий статистик маълумотлардан ва популяцияни ўрганишдан гломеруляр касалликларнинг, шу жумладан IgANнинг тарқалиши ва ўлим даражаси бўйича алоҳида маълумотлар йўқ. Барча гломеруляр ва интерстициал буйрак касалликлари орасида IgANни ўз ичига олган иммун гломерулопатияларнинг улуши 20-30% ни ташкил қилади, тарқалиши эса 100 000 кишига 300-450 тани ташкил қилади.

Распространенность, клинико-морфологические проявления и прогноз IgAN имеют значительные географические и расовые различия [14-18]. IgAN выявляют в 41,% среди первичных иммунных гломерулопатий с ожидаемой распространенностью 100-200 случаев на 100000.

Иммун гломерулопатиянинг нисбатан кам тарқалганлигига қарамасдан — терминал буйрак етишмовчилиги(ТБЕ)ни энг кўп келтириб чиқарувчи сабабларидан бири ҳисобланади ва диализ ёки буйрак трансплантациясидек буйрак ўринбосувчи терапияси (БЎТ) каби давлат бюджетига таъсир қиладиган қиммат усулларга мухтожликни оширади[23]. Буйракдаги аутоиммун яллиғланиш жараёни етарли даражада назорат қилмаслик натижасида прогрессив фибробластик ўзгаришлар ва органнинг функциясини йўқотишининг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

2.4. Касалликлар ва улар билан боғлиқ соғлиқ муаммоларининг халқаро статистик таснифига мувофиқ касаллик ёки ҳолатни (касалликла ёки шароитлар гуруҳини) кодлаш хусусиятлари

IgANнинг клиник ва морфологик кўринишларини хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, уни Халқаро касалликлар таснифига (ХКТ-10) мувофиқ кодлаш учун клиник синдромлар ва гистологияни ақс эттирувчи тегишли кодларнинг комбинациясидан фойдаланиш керак. Уч белгили тоифалар N00-N06 клиник синдромларга асосланган. Морфологик ўзгаришларни таснифловчи тўртинчи белгилар(.1, .3, .4, .7, .8 кичик сарлавхалар)ни бирга ишлатиш керак. Охиргиси нуктадан кейин кўрсатилиб, клиник синдромни белгилайди (масалан, N02.3). Шикастланиш идентификацияси махсус текширувларда ўтказилмаган бўлса, кичик тоифалар ишлатилмайди (масалан, буйрак биопсияси ёки аутопсия) (1 жадвал).

Шенлейн-Генох пурпурасида IgAN учраса (D69.0) N08.2 бўлиб кодланади (иммун бузилишлари ва қон касалликларида гломеруляр шикастланишлар).

IgAN, таърифига кўра, сурункали буйрак шикастланиши бўлиб, бу касалликнинг барча ҳолатлари сурункали буйрак касаллиги (СБК) бўйича кўрсатмаларга мувофиқ таснифлаш керак. [24].

СБК босқичини белгилашда N18.1-N18.5 (2 жадвал) кодлар қўлланилади, коптокча фильтрация тезлигини (КФТ) аниқлашда эса махсус калькуляторда СКD-EPi формуласи бўйича қон зардобидаги креатинин концентрацияси, жинси, ёши ва бемор ирқиғига асосланиб ҳисобланади («Илова Г», п. 1) [25,26].

2 жадвал. ХКТ-10 га кодлашга мувофиқ СБК босқичини КФТ га асосланиб таснифлаш

СБК ни белгилаш	КФТ даражаси мл/мин/1,73 м	Код ХКТ-10*	Номланиши
C1		N18.1	Сурункали буйрак касаллиги, 1 босқич
C2	60-89	M82	Сурункали буйрак касаллиги, 2 босқич
C3a	45-59	M82	Сурункали буйрак касаллиги, 3 босқич
C3б	30-44		
C 4	15-29	M84	Сурункали буйрак касаллиги, 4 босқич
C5		M8.5	Сурункали буйрак касаллиги, 5 босқич

Эслатма: — N 18.9 коди билан СБК ни ноаниқ ҳолатлари белгиланади.

2.5. Ҳолатлар ёки касалликлар таснифи (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи)

IgAN таснифи коптокчаларда гистологик ўзгаришларни яққоллигини баҳолашга асосланган [27,28]:

- **мезангиал пролифератив** (МО — 50% дан кўп бўлмаган, М] ва кўп; мезангиал сохада 3 та хужайрадан кўп бўлган),
- **эндокапилляр пролиферация** (ЕО йўқ, Е 1 мавжудлигини билдиради), коптокча капсуласида сегментар склероз ёки капилляр тўридаги адгезия (SO — йўқ, S 1 мавжудлигини билдиради),
- **тубуляр атрофия/интерстициал фиброз** (ТО — кортикал қаватни 25% дан кам, Т 1 — 26-50% кортикал қават, Т2 50% ортиқ кортикал қаватни;
- **тўқимали ёки фиброз-тўқимали ярим ойлар** (СО йўқ, С 1 — 25% дан кам коптокчалар, С2 — 25% дан кўп коптокчалар).

2.6 Касаллик ёки ҳолатни клиник кўриниши (касаллик ёки ҳолатлар гуруҳи)

IgAN мавжудлигини кўрсатадиган асосий белгилар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал. IgAN борлигини белгиловчи асосий белгилар

Белгилар	Эслатма
Шикоятлар	Пешобни рангини ўзгариши, хажмини ўзгариши олигоурия, полиурия, никтурия
Тиббий хужжат бўйича анамнез ва таҳлиллар натижалари	Пешобдаги ўзгаришларни эрта белгилари — протеинурия ва гематурия, нефротик ёки нефритик синдромларни бўлиши; шиллик қаватларда сурункали яллиғланиш жараёнлари
Физикал текширувлар	Буйрақлар ўлчамини ошиши, уремия симптомлари, периферик ва бўшлиқли шишлар, пешобни ранги ва хажмини ўзгариши, артериал гипертензия; геморрагик тошма, бўғимларни шикастланиши, абдоминал оғриқлар, ич келишини бузилиши, ўпка ва бронхларни шикастланиши, жигардаги ўзгаришлар; шиллик қаватларнинг сурункали яллиғланиш касалликларининг типик белгилари
Ошган альбуминурия/протеинурия	Коптокчалар ўтказувчанлиги ва дисфункциясини ошиши маркерлари
Коптокча филтрация тезлигини 60 мл/мин/Т,73 м2 кам турғун пасайиши	Индекс, буйракни парциал функцияси билан боғлиқ
Пешобни хужайравий чўкмасида турғун ўзгаришлар	Эритроцитурия (гематурия), эритроцитар цилиндрлар

Қон ва сийдикдаги бошқа ўзгаришлар	Азотемия, уремия, электролитларни зардобда ва сийдик концентрациясидаги ўзгаришлари, кислота-ишқор мувозанатини бузилиши, қон ҳажмида Ig A концентрациясини ошиши
Нурли текшириш усулларида буйраклардаги ўзгаришлар	Буйраклар ўлчамини ўзгариши, интраренал гемодинамикани бузилиши
Буйраклар тўқимасидаги ўзгаришлар, аъзони ҳаётий текширувида морфологик текшириш	Буйрак структураларини фаол яллиғланиш белгилари, патологик жараёни “сурункали” лигини кўрсатувчи IgAN ва фиброз компонентларини специфик маркёрлари

Ташхисни аниқлаштириш вақтидаги клиник кўриниш

IgAN ҳар икки жинсда кузатилиб, кўпроқ ёшларда учирайди ва гломеруляр шикастланишнинг типик клиник кўринишлари ва прогрессив буйрак дисфункцияси билан тавсифланади. Кўп ҳолларда у сийдикдаги лаборатор ўзгаришлар (протеинурия ва микрогематурия), сурункали нефритик синдром ва/ёки макрогематурия эпизоди билан бошланади. Кўп беморларда биопсия вақтида эритроцитурия ва протеинурия аниқланади. Охиригиси учдан бир ҳолатда нефротик даражани оширади, ҳар ўнинчи ҳолатда эса нефротик синдром кузатилади.

Касаллик ривожланиши одатда секин, лекин IgAN кечиши дунёнинг бошқа минтақалари билан солиштирганда кам ҳолатларда яхши бўлиши мумкин[19]. IgAN билан касалланган Россия аҳолисининг бошқа минтақаларига нисбатан ўзига хос хусусияти протеинурия тахмин қилинган КФТ(хисКФТ) нинг паст кўрсаткичлари, шунингдек, буйрак функциясининг бузилиши ва гипертензиянинг тарқалиши эди. Ўрганилаётган когортани Европа маълумотлари билан солиштирганда фаол пролифератив реакциялар билан боғлиқ гистологик ўзгаришлар ҳам аниқроқ бўлган. Россияда IgANни иммуноморфологик хусусиятлари: ҳар олтинчи ҳолатда аниқланадиган коптокча капиллярларини деворида IgАни чўкиши, касалликни оғир шакллариининг мембранопрولیфератив паттернини шаклланиши ва прогнозни ёмонлашуви; экстрагломеруляр ўзгаришларни кенгайиши; артериал гипертензия, буйрак функциясининг бузилиши, протеинурия ва гематуриянинг асосий клиник кўринишлари билан боғлиқ бўлган интерстицийнинг яллиғланиш инфльтрациясини ва перитубуляр капиллярнинг яллиғланишини аниқланиши. Перитубуляр капиллярит касалликнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ мустақил омил сифатида аниқланди.

Умуман олганда, Россия аҳолисида буйракларнинг омон қолиш даражаси Омиё минтақасига нисбатан анча паст ва Европа аҳолисига нисбатан сезиларли даражада аниқроқ

гистологик ўзгаришлар туфайли, фаол пролифератив реакциялар билан боғлиқлиги, касалликни кам сифатли кечишида фаол терапияни талаб қилади.

Кўп ҳолларда шиллиқ қаватларнинг иммун реакцияларини фаоллашишининг клиник белгилари, ошқозон-ичак трактининг сурункали яллиғланиш касалликлари, юқори нафас йўллариининг, шу жумладан тонзиллит аниқланган. Кам ҳолларда пастки сийдик йўллари ва генитал тизимнинг яллиғланиш касалликлари учраган.

IgANни РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ

IgAN ни ривожланиш хавфини ҳисоблаш учун (хисКФТ 50% га камайиши ёки ТБЕ ривожланиши) калькулятор ишлаб чиқарилган бўлиб, биопсия ўтказиш учун бир қатор клиник параметрларга эга ҳамда гистологик текширув натижалари ҳам киритилган («Илова Г», п.2) [29].

3. Касаллик ёки ҳолатни ташхислаш (касалликлар ёки ҳолатлар гуруҳи), ташхис усуллариини қўллаш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар

IgAN ташхиси керакли даволашни танлаш учун иккита асосий йўналишни ўз ичига олиши керак:

1) ўзига хос иммунологик ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг намоён бўлишини баҳолаш;

2) касалликни бирламчи ёки иккиламчилигини аниқлаш;

3) буйрак дисфункциясини сурункали ва/ёки ўткир даражасини намоён бўлишини аниқлаш ва баҳолаш.

- Биринчи йўналиш асоси буйрак биопсияси ҳисобланади, бу текширувсиз IgAN ташхиси қўйилмайди.
- Иккинчи йўналиш экстраренал патологик жараёнларни ўз ичига олиб, иккиламчи IgAN сифатида келиши мумкин. Улар ёндашуви ва даволаш билан фарқланади. Бирламчи IgAN ташхисида иккиламчи сабаблар истисно қилиниши лозим (4 жадвал).
- Учинчи йўналиш ўткир буйрак шикастланиши (ЎБШ) ва СБК бўйича тегишли тавсияномаларда батафсил баён этилган бўлиб, тегишли ҳолларда қуйида келтирилган.

Иммуноглобулин А-нефропатияни ташхислаш бўйича тавсиялар (IgAN):

- IgAN фақат буйрак биопсияси билан ташхисланади.
- Кўриб чиқилган Оксфорд таснифига мувофиқ MEST-C шкаласини қўлланг (мезангиал [M] ва эндокапилляр [E] гиперхужайралик, сегментар склероз [S], интерстициал фиброз/каналчалар атрофияси [T] ва яримойсимонлар [C]) [80].
- Зардоб ёки пешобда тасдиқланган IgAN биомаркерларини аниқланмаслиги.
- Иккиламчи сабаларни аниқлаш учун IgAN билан барча беморларни текширувдан ўтказинг.

Маълум ёки шубҳали IgAN билан касалланган беморларда касалликнинг давомийлигини, намоён бўлиши ва клиник кўринишларини баҳолаш ва даволаш чоралари билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ва касалликларни аниқлаш учун шикоятлари, анамнези ва физик текширувларни кўриб чиқишни тавсия қиламиз [12].

Морфологик тасдиқланган IgAN бўлган беморларда иккиламчи IgAN ривожланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган экстраренал патологияни аниқлаш учун амалдаги кўрсатмалар ва стандартларга мувофиқ клиник диагностика қилишни (4 жадвал) ва зарурий даво хажмини аниқлашни тавсия этамиз [1,2,30].

Шарҳлар: Маълум бўлган IgAN ёки IgAN га шубҳа қилинган беморларда биз шиллик қаватлар ичидаги сурункали яллиғланиш жараёнларини ва касалликнинг иккинчи даражали шакллари ривожланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа патологик жараёнларни аниқлаш учун стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ташхислашни тавсия этамиз (4 жадвал) [31].

4 жадвал. Ташхис ўтказишни талаб қиладиган иккиламчи IgAN ривожланишини асосий сабаблари

Жигар ва меъда ичак тракти
<ul style="list-style-type: none"> • Жигар касалликлари (цирроз, вирусли гепатит С, ноалкогол этиологияли стеатогепатит) • Целиакия • Крон касаллиги • Ярали колит
Вирусли инфекциялар
<ul style="list-style-type: none"> • Одам иммун танқислик вируси • Цитомегаловирус • Гепатит В, Гепатит С
Бошқа инфекциялар
<ul style="list-style-type: none"> • Турли этиологияли шиллик қаватни сурункали инфекциялари • Лайм касаллиги • Chlamydia pneumoniae • Безгак • Шистосомоз
Аутоиммун касалликлар
<ul style="list-style-type: none"> • Анкилозловчи спондилит • Ревматоид артрит • Тизимли қизил бўрича • Герпетиформ дерматит Шегрен синдроми псориаз
Респиратор тракт
<ul style="list-style-type: none"> • Сурункали обструктив альвеолит • Ўпкани идиопатик фибрози • Муковисцидоз


Ўсмалар

- IgA миеломи
- Лимфомалар (MALT ҳам)
- Ўпка раки
- Буйрак-хужайрали рак

Тавсияларнинг ишончлилиги даражаси	ДАД	Тавсиялар
C	5	Нефролог-шифокорлар прогнозни ва кейинги терапияни танлашни баҳолаш учун касалликнинг иккиламчи вариантларининг барча мумкин бўлган сабабларини истисно қилгандан сўнг, бирламчи IgAN ташхисини қўйишлари керак. [1].
A	2	IgAN билан касалланган ёки унга шубҳа қилинган беморларда отолоринголог шифокори кўриги бодомча безларни яллиғланишини ва зарурий даво хажмини ҳамда тонзиллоэктомиа амалиётини танлаш учун тавсия қилинади. [32,33]. Шарҳлар: IgANда тонзиллоэктомиа самарали усул бўлиши мумкин (3.2 бобга қаранг).
C	5	IgANни имкон қадар эрта аниқлаш учун барча ихтисослик шифокорларига доимий протеинурия ва/ёки доимий гематурия ва/ёки такрорий макрогематурия билан оғриган беморларни ихтисослашган нефрологик диагностика учун нефролог шифокорига юборишни тавсия қиламиз[24]. Шарҳлар: Тавсия одатда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни талаб қиладиган иммун гломерулопатияга шубҳа қилинган беморларни йўналтириши бўйича стандарт ёндашувларни акс эттиради.

Шифокор харакат алгоритми (Илова Б)

1. Иммуноглобулин А-нефропатияни ташхислашда умумий ёндашувлар




3.1. Лаборатор ташхисий текширувлар

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	ДАД	Тавсиялар
С	5	<p>Буйрак дисфункциясининг оғирлигини, прогнозини баҳолаш ва IgANга шубҳа бўлган беморларда ноиммуносупрессив терапия ҳажмини аниқлаш учун биз СБК тавсияномаларида назарда тутилган асосий ҳажмда лаборатория ташхисотини ўтказишни тавсия қиламиз [24] (мочевина, креатинин, умумий оксил, қонда қанд миқдори, кальций, фосфор, калий, цистацин С, триглицеридлар, гепатит В, С, коагулограмма, Д-димер, интерлейкин-6, альбумин, УҚТ, ҚИВ, КИМ).</p> <p>Шарҳлар: “Сурункали буйрак касаллиги (СБК)” клиник тавсияномаларида IgAN билан оғриган беморларга тўлиқ қўлланилиши мумкин бўлган буйрак дисфункциясининг мавжудлиги ва оғирлигини ташхислаш бўйича батафсил ёндашувлар берилган.</p>
А	1	<p>IgAN билан оғриган беморларда прогнозни баҳолаш ва терапияни танлаш учун биз бирламчи ташхисда кунлик пешобдаги протеин миқдорини ва сийдик чўкмасини микроскопик текширишни тавсия қиламиз[34,35,36].</p>
А	1	<p>IgAN билан оғриган беморларда касаллик прогнозини ва даво самарадорлигини баҳолаш учун йилига 2 маротаба кун давомидаги пешобда протеинурия миқдорини текшириш тавсия қилинади [34,35].</p> <p>Шарҳлар: Мета-анализ(МА) ва рандомизирланган клиник текширувлар (РКТ) маълумотларига кўра, кунлик пешобдаги протеин миқдорининг ўртача кўрсаткичлари ва даволаш вақтидаги динамикаси даволашнинг табиатидан катъий назар IgAN нинг салбий оқибатларининг ишончли прогнози ҳисобланади. Даволашдан сўнг протеинурия миқдорини ҳар икки ойда, кейинчалик эса йилига икки маротаба текшириш лозим. Текширувлар частотасини СБК босқичига ва албуминурия/протеинурия даражасига қараб белгиланиши керак. Кунлик пешобдаги протеин миқдорини аниқлашга алтернатив бўлиб, пешобда албуминни аниқлаш ва албумин/креатинин нисбатини ҳисоблаш билан пешобдаги креатинин даражасини ўрганиш бўлиши мумкин [24].</p>

A	1	<p>IgAN билан оғриган ёки унга IgAN га шубҳа қилинган беморларни қиёсий ташхислашда гематуриянинг ҳар қандай лаборатория текшируви дисморфик(ўзгартирилган) ҳужайралар ва эритроцитар цилиндрларни аниқлаш учун пешоб чўкмасини микроскопик текширишни ўз ичига олади [37].</p> <p>Шарҳлар: Макро- ёки микрогематурия барча гломеруляр касалликлар билан боғлиқ. Тест полоскасидан фойдаланиш 16 хил кўрсаткичларни ва микрогематурия мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш мумкин, аммо дисморф(ўзгарган) ҳужайралар ва эритроцитар цилиндрларнинг микроскопик идентификацияси IgAN ва бошқа гломерулопатияларнинг дастлабки дифференциал ташхиси учун муҳим бўлиши мумкин. Шунингдек пешоб концентрациясига, пешобнинг рН қийматига, чўкинди тайёрлашга ва текширувчининг тажрибасига боғлиқ. IgAN фаоллигини баҳолашда гематурия динамикаси аҳамиятга эга, терапия фониди ҳам. Келтирилган МА да гломеруляр патология учун дисморфик (ўзгартирилган) ҳужайралар ва эритроцитлар улушининг сезувчанлиги ва ўзига хослигининг ўртача қийматлари ва 95% шонч интервали(III) мос равишда 0,88(0,86-0,90) ва 0,95(0,93-0,9)ни ташкил этди. Референс қийматлар асосида(буйрак биопсияси).</p>
B	3	<p>Морфологик тасдиқланган IgAN билан оғриган беморларда патологик жараёни баҳолаш ва прогнозлаш учун комплементнинг C3 ва C4 фракциялари ҳамда қонда IgA, IgM, IgG даражасини аниқлашни тавсия қиламиз[38-42].</p>
C	5	<p>Қиёсий ташхислаш учун текшириш лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • АНЦА тести (Антинейтрофил Цитоплазматик Антитаналар) • цАНЦА (цитоплазматик - АНЦА, cANCA) • пАНЦА (перинуклеар АНЦА, pANCA) • қонда Anti-dsDNA Ab • қонда Anti-La/SSB Ab • қонда Anti-Ro/SSA Ab • Anti GBM-Ab • Фосфолипаза рецепторларига антитаналар A2 (Anti-PLA2R), IgG • Қонни иммунограммаси (ҳужайрали)

		<ul style="list-style-type: none">• АНА (Антинуклеар антитаналар)• Кардиолипинга қарши антитаналар (aCL), IgG и IgM/• Волчанкали антикоагулянт (ВА),• Бета-2-гликопротеин I га қарши антитаналар (aβ2-GP-I),• Такролимус,• Ренин,• Кортизол, Альдостерон• Эпштейн-Барра вируси• NGAL
--	--	--

БИРЛАМЧИ ИММУНОГЛОБУЛИН А-НЕФРОПАТИЯНИ ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР




Эслатма: ТРНС — тез ривожланувчи нефритик синдром;

ЦФ — циклофосфамид**;

АЛЛФ - #микофенолата мофетил**.

IgAN билан касалланган беморларни бирламчи баҳолаш ва олиб бориш.



3.2 Инструментал ташхисий текширувлар

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	ДАД	Тавсиялар
С	5	IgAN билан оғриган ёки унга шубҳа қилинган беморларда буйраклар, буйраклар функцияларининг пасайиши ва бошқа нохуш ҳодисалар хавфи билан боғлиқ бўлган бошқа аъзо ва тизимлардаги таркибий ўзгаришларнинг оғирлигини баҳолаш учун СБК тавсияномаларида назарда тутилган ҳажмда инструментал диагностика қилишни тавсия этамиз. [24].
С	5	Сийдик айириш тизими аъзоларини ультратовуш текшируви. (буйраклар, буйрак усти бези, сийдик копи)
С	5	ЭКГ, ЭхоКГ.
С	4	Артериал қон босимини суткалик мониторинг

Тегишли клиник белгилар мавжуд бўлганда, қўшимча инструментал текширувлар талаб қилиниши мумкин:

- Қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текшируви (кенг қамровли);
- Лимфа тугунларини ультратовуш текшируви (битта анатомик ҳудуд);
- Буйрак қон томирлари ва оёқ қон томирлари (артерия ва вена) ультратовуш доплерографияси;
- Кўкрак қафаси аъзолари компьютер томографияси;
- Қорин бўшлиғи ва қорин орти бўшлиғи аъзоларини компьютер томографияси;
- Ўпка томирларини компьютер-томографик ангиографияси;
- Юракни контрастли магнит резонанс компьютер томографияси;
- Бош мияни магнит-резонанс томографияси;
- Цистоскопия

3.3 Бошқа ташхисий текширувлар

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	ДАД	Тавсиялар
А	2	IgANга шубҳа қилинган беморларда, қарши кўрсатмалар бўлмаса, ташхисни тасдиқлаш, буйрак шикастланишининг оғирлиги ва прогнозини баҳолаш ва давони танлаш учун ултратовуш текшируви остида буйрак биопсиясини, сўнгра 17 биопсия материални патологик текширишни тавсия қиламиз[43,44].
В	3	Терапияни танлаш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ташхисни қайта кўриб чиқиш ва/ёки гистологик ўзгаришларнинг оғирлигини ва/ёки прогнозини аниқлаш зарурати бўлган маълум IgAN ҳолатларида, қарши кўрсатмалар бўлмаса, биопсия материални кейинги патологик текшириш билан ултратовуш назорати остида такрорий буйрак биопсияси кўриб чиқишни тавсия қиламиз. [45-48].
А	2	IgAN шубҳа бўлган беморларда биопсия материалининг патологик текшируви, ҳеч бўлмаганда, касаллик ташхисини қўйиш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш ҳамда прогнозлашда фойдаланиш учун гломеруляр депозитларни: IgA, IgM, IgG, комплемент фракциялари (C3, C1q) ва Ig енгил занжирларини (каппа, ламбда) баҳолаш билан ёруғлик микроскопи ва иммуноморфологик текширувни ўз ичига олиши тавсия этилади. [49-54].
А	2	IgAN ташхисини бирлаштириш учун биз барча клиник ҳолатларда доминант ёки ко-доминант гломеруляр IgA депозитларини ушбу ташхис учун ишончли мезон деб ҳисоблашни тавсия қиламиз[49,55].
А	2	Прогнозни баҳолаш ва терапияни танлаш учун биз IgAN ташхиси қўйилган беморларда биопсия материални патологик текшириш вақтида ҳеч бўлмаганда қуйидаги таснифлаш мезонларини аниқлаш ва ҳулосада акс эттиришни тавсия қиламиз: мезангиал пролиферациянинг яққоллиги; эндокапилляр пролиферациянинг яққоллиги; сегментар гломерулосклерознинг ёки коптокча капсуласининг капилляр тўрида адгезиянинг бўлиши; 18 тубуляр атрофи/интерстициал фибрознинг яққоллиги; хужайрали ёки фиброз-хужайрали яримойсимонларни бўлиши (5 жадвал) [43,44].

**4. Даволаш, медикаментоз ва номедикаментоз даво, диетотерапия,
оғриксизлантириш, даволаш усуллари қўллаш учун кўрсатма ва қарши
кўрсатмалар**

4.1 Даволашга умумий ёндашувлар

Бирламчи IgAN нинг махсус шакли кузатилмаган IgAN билан оғриган беморларни даволашда нимага эътибор қаратиш лозим:

- Олиб боришнинг асосий йўналиши оптимал қўллаб қувватловчи давони ўтказиш.
- Юрак қон-томир хавфини баҳолаш ва лозим бўлган аралашувни бошланг.
- Ҳаёт тарзи бўйича маслаҳатлар беринг, шу жумладан, агар керак бўлса, пархез овқатда натрий миқдорини чеклансин, чекишдан воз кечиш, вазни назорат қилиш ва жисмоний машқлар ҳақида маълумот беринг.
- Овқатда натрийни чеклашдан ташқари, Кромe ограничения натрия в пище, ҳар қандай пархез аралашувининг IgAN натижаларига таъсири ҳақида ҳеч қандай маълумот олинмади.
- IgANнинг махсус шакллари: минимал ўзгаришлар касаллигида IgA депозитлари (МЎК), IgAN ўткир буйрак шикастланиши билан(ЎБШ) ва IgAN тез ривожланиб борувчи гломерулонефритда(ТРБГ) махсус тезкор даволашни талаб қилиши мумкин.

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси	ДАД	Тавсиялар
С	5	IgAN билан оғриган беморларда ноиммуносупрессив ренопротектив давони протеинурияни камайтириш ва касаллик ривожланишини секинлаштириш ва буйрак дисфункцияси асоратларини даволаш учун СБК тавсияномаларида кўрсатилганидек кўрсатма ва ҳажмда олиб бориш керак [24].
С	5	Иккиламчи IgAN билан оғриган беморларда буйракнинг шикастланиши билан боғлиқ патологияни даволашни тегишли клиник тавсияномаларда кўрсатилганидек ва 19 ҳажмда, шунингдек ремиссияни келтириб чиқариш ва касалликнинг ривожланиш тезлигини камайтириш учун тегишли асосда зарур мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказишни тавсия қилинади[1,2].
А	1	IgAN билан оғриган ва протеинурия >0,5 г/сутка бўлган беморларда даволаш ангиотензин алмаштирувчи фермент ингибиторлари (ААФи) ёки ангиотензин-II рецепторлари блокаторлари (АРБ) билан протеинурия миқдори

		камайтирилади ва касаллик ривожланиши секинлаштирилади[56-58].
В	1	<p>IgAN билан оғриган ва протеинурия >1,0 г/сутка бўлган беморларда(ноиммуносупрессив ренопротектив терапия ўтказилишига қарамасдан) тез ривожланиб боровчи нефритик синдром ва қарши кўрсатмалар бўлмаганда протеинурияни камайтириш ва ремиссияни турғунлаштириш мақсадида гидроксихлорохин билан даволашни кўриб чиқиш керак[59,60].</p> <p>Шарҳлар: Гидроксихлорохинни қуйидаги режимда 6 ой давомида бериш лозим: хКФТ>60 мл/мин/1,73м² бўлганда 200мг дан кунига 2 маҳал перорал, хКФТ 45 дан 59 мл/мин/1,73 м² гача бўлганда 100 мг дан 3маҳал перорал ва хКФТ 30 дан 44 мл/мин/1,73м² гача бўлганда 100 мг дан 2маҳал перорал. Дори воситасининг дозаси хКФТ >25% ёки <30 мл/мин/1,73 м² бўлганда 100мг гача камайтириш лозим. Тери пигментациясидан ташқари яқиндаги МА текширувларида дори воситанинг ножўя таъсирлари кузатилмади. Бунда ҳар бир беморга индивидуал ёндошган ҳолда бўлиши мумкин бўлган ножўя таъсирлар офталмологик ўзгаришларни ҳам инобатга олиш керак[61].</p>
В	3	<p>Бирламчи IgAN бўлган беморларда коптокчалардаги патологик жараённинг фаоллигини камайтириш ва касалликнинг ремиссиясини кўзгатиш учун ҳар қандай локализацияли шиллик қаватдаги юқумли ва/ёки аутоиммун яллиғланишни даволашни тавсия қиламиз[62-65].</p> <p>Шарҳлар: Кўпинча IgAN сурункали рецидивланувчи ёки ривожланувчи респиратор тизим шиллик қаватлари ва меъда ичак тракти касалликларини асоцирланиши билан кечади [19,66] (4 жадалга қаранг). Микроблар ва/ёки аллергенлар таъсирида шиллик қават ўтказувчанлигининг бузилиши маҳаллий иммунитет тизимининг фаоллашиши ва патологик IgA1 шаклланишининг кучайиши омилидир [67-69]. Ушбу кузатувларни ҳисобга олган ҳолда, шиллик қаватнинг яллиғланишини аниқлаш ва етарли даражада назорат қилиш IgAN курсига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таклиф қиламиз (3.2 бобни кўринг, тонзиллоэктомия бўйича тавсиялар).</p>

4.2 Иммуносупрессив ва ёндош терапия

Тавсияларнинг ишончлилиги даражаси	ДАД	Тавсиялар
А	1	<p>Бирламчи IgAN ва доимий протеинурия >1 г/кун бўлган беморларда 3 ой давомида етарли даражада ноиммуносупрессив ренопротектив терапияга қарамай, тез прогрессив нефритик синдром бўлмаса, касалликнинг ремиссиясини чўзиш ва унинг ривожланиш тезлигини камайтириш учун глюкокортикоидлар билан даволашни тавсия этамиз[59,70-74].</p> <p>Шарҳлар: Глюкокортикоидлар перорал, кунига 0,4-0,6 мг/кг дозада, 40 мг дан қўп бўлмаган, 2 ой давомида қўлланилиши керак, сўнгра ҳар ойда суткалик дозани 20% га 4 ой давомида камайтирилиб, 6 ой ичида тўхтатилиши керак. Юқори протеинурия касалликнинг фаол гистологик кўринишлари билан бирга келган ҳолда 250-500мг дозада вена ичига юбориш билан индивидуал асосда глюкокортикоидлар билан даволашни кўриб чиқиши керак. Касалликни ремиссияга олиб келиш ва унинг ривожланишини секинлаштириш протеинурия 2гр дан ортиқ бўлганида глюкокортикоидлар қўлланилади[19]. Глюкокортикоидларни қўллаш билан ремиссияга эришиш ва ТБЕ ни ривожланишин олдини олиш мумкин, аммо ножўя таъсирларини 2-3марттагача олишини кузатиш мумкин («Илова А3», п.1) – меъда ичак тракти, гематологик, дерматологик, сийдик йўллари, ҳамда глюкозага толерантликнинг бузилиши ва диабет, 21 терапияни танлашда беморни хабардор қилиш ва профилактика чораларини режалаштиришда эътиборга олиш керак. Асоратлар хавфи xKФТ<50 мл/мин/1,73 м2 га камайганда ошади. Глюкокортикоидлар самараси ААФи ёки РАБ ва/ёки тонзиллоэктомиа билан ошади.</p>
С	5	<p>Ножўя таъсирлар еҳтимолини камайтириш учун биз глюкокортикоидларни бошқа иммуносупрессив дорилар билан биргаликда ёки уларсиз даволашни тавсия қиламиз (АХД таснифи: «Ўсмага қарши воситалар ва иммуномодуляторлар») IgAN билан оғриган беморларда асоратлар хавфини, шу жумладан юқумли касалликларни ҳисобга олган ҳолда ва бемор билан ушбу терапиядан фойдаланишнинг фойдалари ва хавфини индивидуал муҳокама қилгандан сўнг қарор қабул қилинади[1].</p> <p>Шарҳлар: Иммуносупрессив терапия (ИСТ) нинг оғир асоратлари хавфи ортиши билан боғлиқ вазиятларга қўйидагилар киреди(улар билан чегараланиб қолмайди): қандли диабет, жигар циррози, латент инфекциялар, ТВИ >30 кг/м2,</p>

		<i>эрозив ёки ярали меъда ичак трактини шикастланиши, яққол намён бўлган остеопороз, бошқариб бўлмайдиган руҳий бузилишларни кузатилиши.</i>
С	5	IgAN билан оғриган беморларда бошқа иммуносупрессив дорилар билан ёки уларсиз глюкокортикоидлар билан даволашни ишловчи тавсияларга мувофиқ(АКД таснифи: «Ўсмага қарши воситалар ва иммуномодуляторлар») пневмоцистли пневмонияни олдини олишга, остеопороз ривожланиши ва кучайишини, ошқозон ичак трактининг шикастланишига йўл қўймасликка қаратилган профилактик терапия билан бирга бўлишини тавсия қиламиз[1,75,76].
С	5	Бирламчи IgAN билан оғриган беморларга режалаштирилган ИСТ ўтказилишида инфекцион асоратларни олдини олиш мақсадида пневмококка қарши эмлашни тавсия қиламиз[1].
А	2	<p>Глюкокортикоидлар билан ИСТ режалаштирилган бирламчи IgAN билан оғриган беморларга қарши кўрсатмалар бўлмаганда даво самарадорлигини ошириш, ремиссияга эриши ва ТБЕ ни ривожланишини хавфини камайтириш мақсадида тавсия қилинади[32,33,56].</p> <p>Шарҳлар: Тонзиллоэктомияни самарадорлигини ишончилиги Осиё илмий текширувларига асосланган. IgAN билан касалланган Европа аҳолиси учун муаммо жиддий ўрганилмаган. Бу билан биргалликда, тонзиллоэктомиянинг глюкокортикоидлар билан биргалликда касалликнинг ривожланишини тўхтатиш учун ижобий таъсири Россияда IgAN билан касалланган беморларнинг катта когорт тадқиқотида ўрганилган[77]. Тонзиллоэктомияни безлардаги герминатив марказларни даволашдан кейин қайталанишини олдини олиш мақсадида глюкокортикоидлар билан даволашдан олдин ёки даволашдан кейин амалга ошириш лозим[78].</p>
А	1	<p>Бирламчи IgAN билан оғриган беморларда ва протеинурия >1 г/сутка бўлганида тез ривожланувчи нефритик синдром кузатилмаганда ва касалликни ривожланиш хавфи кузатилганда биринчи қатор ИСТ сифатида иммуносупрессив дориларни (АКД таснифи: «Ўсмага қарши воситалар ва иммуномодуляторлар») мунтазам равишда қўллашни тавсия этмаймиз. Бунда глюкокортикоидлар касаллик ремиссиясини индукциялаш ва/ёки уни ривожланишини секинлаштириш учун қўлланилади[59,70,72,74,79-81].</p> <p>Шарҳлар: Кўрсатилган МА РКТларнинг аксарияти бошқа иммуносупрессив дориларнинг (АКД таснифи: «Ўсмага</p>

		қарши воситалар ва иммуномодуляторлар») (жумладан глюкокортикоидлар билан биргаликда) глюкокортикоид монотерапиясидан устунлигини ишончли тарзда кўрсатмади. Шу билан бирга биз 23 та глюкокортикоид билан даволаш мумкин бўлмаган IgAN нинг индивидуал ҳолатларида, ножўя таъсирларнинг эҳтимолий хавфларини муҳокама қилиш билан шахсийлаштирилган ёндашув доирасида комбинирланган ИСТдан фойдаланиш имкониятини тан оламиз[82-86].
А	1	<p>Бирламчи IgAN билан оғриган беморларда ва протеинурия>1 г/сутка, хКФТ>30 мл/мин/1,73м² бўлганида ва пролифератив ўзгаришлар(мезангиал пролифератив ва/ёки яримойсимон) кузатилганида, тез ривожланувчи нефритик синдром кузатилмаганда глюкокортикоидларга комбинация мақсадида микофенолат мофетил протеинурияни камайтириш, ремиссияга эришиш ва ривожланиш хавфини пасайтириш учун тавсия этилади [83,87].</p> <p>Шарҳлар: МА РКТларда бу комбинацияни юқори самарадорлиги кўрсатилган, қўллаб қувватловчи ИСТ сиз ва ИСТ нинг бошқа вариантларида прогнознинг аниқлиги ва давони ножўя таъсири кўриб чиқилган[83,87] микофенолат мофетил: индукцион даво (давомийлиги бойгача) – ичга қабул, 1,5 гр/сутка (750 мгдан 2 маҳал кунига); қўллаб қувватловчи даво – ичга қабул, 0,75-1,0 гр/суткадан (суткалик доза2га бўлинади). Глюкокортикоидлар микофенолат мофетил билан комбинацияси ичга қабул қилинади, 0,4-0,6 мг/кг тана вазнига/суткасига 2 ой давомида, кейин – 4 ой давомида ҳар ой суткалик дозани 20% га камайтириш лозим.</p>
В	2	Бирламчи ёки иккиламчи IgAN ташхисли беморларда тез ривожланувчи нефритик синдром билан келганида биопсия материалига мувофиқ яққол намоён бўлган пролифератив фаолликда ва/ёки хужайравий яримойсимонда глюкокортикоидлар билан комбинирланган ИСТ ни циклофосфамид** билан касалликни ремиссияга тушириш ва ривожланиш тезлигини секинлаштириш учун қўлланилади. [88].
С	5	IgAN фонида IgA-васкулит кузатилганда касалликни ремиссияга тушириш ва ривожланиш тезлигини пасайтириш учун худди бирламчи IgAN каби даво олиб бориш тавсия қилинади[1,2].
В	2	<p>IgAN фонида IgA-васкулит кузатилганда ўтказилган даводан самара кузатилмаганда ремиссияга эришиш учун #ритуксимаб**ни қўллашни кўриб чиқиш керак[93].</p> <p>Шарҳлар: РКТ лар мавжуд бўлмаганда, МА кузатув тадқиқотларининг тизимли тахлилига кўра, #ритуксимаб** глюкокортикоидлар ёки бошқа иммуносупрессив дориларга турғун IgA-васкулитли беморларда касалликнинг</p>

		<p><i>ремиссиясига эришиш ва иммуносупрессив таъсирни камайтириш учун хавфсиз ва фойдали дори воситаси ҳисоблаш мумкин(АҚД таснифи: «Ўсмага қарши воситалар ва иммуномодуляторлар»), ҳамда бу дори воситалари мумкин бўлмаган беморларга. Дори воситасини дозалаш тартиби: 375 мг/м² ҳафтада 1 марта, 4 мартаба юборишга; ёки 1000 мгдан 2 ҳафтада 1 марта, 2 мартаба юборишга [93]. #Ритуксимаб** дори воситасини тайёрлаш, сақлаш, юбориш тартиби («Иловада А3», п.2) кўрсатилган.</i></p>
С	5	<p>Тез прогрессив нефритик синдром, нефротик синдром, сезиларли фаоллик ва/ёки хужайрали яримойсимон белгилар бўлмаган иккиламчи IgAN бўлган беморларда касалликнинг ремиссияга эришиш учун асосий патологик жараёни даволашда тавсия этилади [31].</p> <p>Шарҳлар: Иккиламчи IgAN ни даволаш ишонarli маълумотлар билан асосланмаган. Кўпгина кузатув тадқиқотлари асосий касалликни СБК ни даволашга универсал ёндашувлар билан биргаликда даволашни таклиф қилади. Целиакия ва ичакни яллигланиш касалликларида баъзи беморларда уларни даволаш IgANнинг клиник 25 морфологик кўринишини бартараф этишга олиб келиши мумкин. Иккиламчи IgANнинг бошқа сабаблари бўлган беморларда даволанишга жавоб етарлича хужжатлаштирилмаган.</p>

IgAN яққол намоён бўладиган касалликларнинг қайталаниши, НС эпизодлари ёки ЎБШ билан кечадиган бошқа гломеруляр касалликлар билан солиштирганда нисбатан аста-секин ривожланиб кечиши хос. Ҳозирги кунда IgAN олиб боришда марказий рол АҚБни назорат қилиш ва иммунодепрессантлар ёрдамида касалликни патогенезига таъсир қилиб, протеинурияни минимизациялашга қаратилган[100].

IgAN бўйича катта когорт эпидемиологик текширувларда Шимолий Америк, Осиё ва Европада протеинурия ва бошқариб бўлмайдиган гипертензия IgAN ривожланишида мустақил хавф омили сифатида намоён бўлиши кўрсатилган[94, 101, 102]. Ле ва бошқа текширувлардаги 1155 та беморда натижаларни баҳолаган тадқиқотда 0,5-1 г/сутка турғун протеинурияси бўлган беморларда протеинурия 1 г/суткадан ошганларга қараганда 10 йил давомида диализсиз яшовчанлик билан солиштирилганда статистик таҳлилда сезиларли яхшиланиш кузатилди. 10 йил диализсиз яшовчанлик 94% (95% ДИ: 90-98%) ва 20 йиллик диализсиз яшовчанлик 89% (95% ДИ: 82-96%) [101]. РКТ ларда 49 та IgAN билан оғриган беморларда ўртача АҚБ 129/70 мм сим.ст. бўлганда КФТ 3 йил давомида турғун бўлган. Ўртача АҚБ 136/76 мм. сим. ст. бўлган беморларда эса КФТ сўнги 3йил давомида 13 мл/мин ни ташкил этди[103]. Катта регистрларнинг ретроспектив маълумотлари шуни кўрсатадики, ААФи қабул қилиб,

АКБ назорат қилинадиган беморлар ААФи ёки АРБ қабул қилмайдиган беморларга нисбатан КФТ(буйраклар функциясини бузилиши) йилига секин пасайиши аниқланган [102]. IgAN билан оғриган 44 беморда ўтказилган РКТ ларда ААФи(эналоприл) буйрак касаллигининг ривожланишига(буйрак фаолиятининг сақланиши ва протеинурияни камайиши) муқобил антигипертензив воситалар(нифедипин, амлодипин, атенолол, диуретиклар ва доксазозин) билан эквивалент қон босимини назорат қилиш билан солиштирганда самарасини кўрсатди. [96]. IgAN билан оғриган 109 нафар осийлик беморда ўтказилган РКТ плацебо билан солиштирилганда АРБ(валсартан) билан протеинуриянинг кўпроқ камайгани ва буйрак функциясининг ёмонлашувининг секинлашишини кўрсатди[104]. IgANда ААФи лари ва АРБларидан фойдаланган ҳолда икки томонлама блокаданинг самарадорлиги ёки хавфсизлиги РКТ маълумотлари йўқ. STOP-IgAN синовининг кейинги таҳлили икки томонлама блокададан кўшимча самара кўрсатмади.

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	ДАД	Тавсиялар
В	1	<p>Протеинурия>0,5 г/сут бўлган барча беморлар артериал гипертензия бўлишидан катъий назар даволаш учун ААФи ёки АРБларини қўллаш керак.</p> <p><i>Шарҳлар: Ушбу тавсия гипертензия ва протеинурия СБК ривожланишининг асосий хавф омиллари эканлигини ва гипертензияни даволаш ва протеинурияни камайтириш буйрак етчимовчилигининг ривожланиш хавфини камайтиришини кўрсатадиган кўплаб далилларга асосланган. IgAN учун махсус маълумотлар, гарчи унчалик кенг бўлмаса ҳам, ушбу кузатишлар билан мос келади. ААФ ингибиторлари ва АРБлар билан қўш блокада IgAN да битта тоифадаги дорилар билан блокададан устун эканлигини кўрсатадиган тадқиқотлар йўқ. STOP-IgAN синовининг кейинги таҳлили дуал блокададан кўшимча фойда йўқлигини кўрсатди[89]. Ишчи гуруҳ буйрак касалликлари спектрида кузатилган гипертония ва протеинурияни даволашнинг фойдалари изчиллиги ва гипертензияни даволаш ва антипротеинурик терапия билан зарар етказиш хавфининг пастлиги ва IgAN учун бошқа тавсия учун асос йўқлиги сабабли кучли тавсиялар оқланади деган хулосага келди.</i></p>

Шимолий Америка, Европа ва Осийдаги тадқиқотлар доимий равишда протеинуриянинг оғирлиги IgAN ривожланиши учун мустақил хавф омилли эканлигини

